

• Халқ депутатлари ўз сайловчиларига ҳисоб бермоқдалар

ШИРИН ТАШВИШЛАР

«Қизилқум» совхозиде бўлиб ўтган учрашув чорвадор ва механизаторларнинг, пиллакор ва галлакорларнинг қалбиде узоқ вақт сақланиб қолиши шубҳасиз. Чунки 206-Фориш сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайланган оддий чўпон Дариха Абдуллаева ва бошқа сўзга чиққан нотидлар хўжаликлар фаолиятини қайта қуриш билан боғлиқ долзарб вазифалар, юзга келатган муаммолар ҳақида гапирди. Депутатнинг сайловчилар билан учрашувиде бурчга айланиб, масъулият билан ёндашиш зарурлиги таъкидланди. Д. Абдуллаеванинг халқ ишончини қандай оқлаётганлиги ҳолисона баҳоланди.

Сайловчилардан ҳайдовчи Т. Жулдасев, пиллакор Р. Магловна, совхоз партия комитетининг секретари А. Айдарқуловлар депутатнинг сайловчилар томонидан берилган нақзаларни бажариш борасидеги фаолиятга алоҳида тўхталди. Ўзтироф эйтиш керак, Дариха Абдуллаеванинг бу борадаги ишлари инжиб самараларини берди. Жумладан, хўжаликнинг 1-фермасини юқори кучланиш электор энергияси билан таъминлаш масаласи кўп йилларда бери ҳал этилмаган келинади. Депутат елиб-юғурди, зарур ҳужжатларнинг тайёрлигини доимий назоратда олди. Хуллас, бу иш ниҳоятда еттугача унга бош-қош бўлди. Маълумки, Форишда ичимлик сув танқис. Ферма ва отарларда молларини сув билан таъминлаш катта муаммо. Шунинг учун сайловчилар депутатлардан Карл Маркс номли, «Фориш», «Қизилқум» совхоз-

ларида ўнта қудуқ қазилишга ёрдам сўрашганди. Ҳозиргача бу хўжаликларда 8 та қудуқ қазилди.

Нурота тоғ тизмалари эстагиде жойлашган «Бирлашган» физиотерапия шифохонасини бугунги кунда республика аҳолиси яхши билади. Унда минглаб кишилар саломатликларини тиклашмоқда. Сўнгги йилларда медицина муассасаси биносини капитал ремонт қилиш ҳақида кўп гапирларди-ю, натижа бўлмади. Бу ишни ҳам Д. Абдуллаева ниҳоятда етказди.

2-ферма бош чўпони Холмурод Чавқаров, 3-ферма чўпони Носир Сидиқовлар оддий чўпон Дариха Абдуллаевага юксак ишонч билдириб, янгилашганликларини таъкидладилар. Чунки у жамоатчилик ишлариниғина эмас, ўзининг бевосита хизмат вазифасини ҳам аъло даражада бажаряпти. Ўтган йили у 650 бош совлиқни сифатли парваришладди. Натижада ҳар юз бош совлиқ эвазига 122 бошдан қўзи, 3,4 килограмдан жун олинди. Қўзиларнинг асосий қисми ўстириш учун қолдирилди. Отарда жами 5300 сўм соф фойда олинди.

Депутатни халқ хизматкори, деб бежиз айтишмайди. Д. Абдуллаева бу сўзларини маъносини чуқур аналгача. Шунинг учун узоқ йиллардан чўпонлар таъминлиш ҳам, хўжалик иқтисодини мустаҳкамлаш муаммолари ҳам демак унинг эътиборида. Аслида ҳам жонқуяр депутатнинг кундалик фаолияти, ҳаётини бундай ташвишлар сиз тасаввур этиб бўлмайди.

Б. САТТОРОВ.

АЙТИЛГАН СЎЗНИНГ СЎРОҒИ БОР

Хива район иқроия комитетининг раиси Б. Абдоллиев «Хива» колхозига тез-тез келиб туради. У шу ердан район Советига депутат қилиб сайланган. Ҳар қил келганида одамлар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитади. Ҳақли талабларини илож борида оператив ҳал этишга ҳаракат қилади. Баъзи илтимосларини эса ён дафтарига ёзиб олади.

Бу сафарига учрашув аввалгиларига ўхшамасди. Сайловчилар катта залга йиғилишган, депутат улар олдида ҳисоб бериши керак. Баъзилар нақзалар, сайловдан кейин тушган ариза ва шикоятлар ҳам бор.

Колхоз аъзоси Пошша Абдураҳмонов сўз олади.

— Йинг посёлакдаги уйга кўчганимизга анча вақт бўлди. Ёритиш системаси тахт бўлмаганлиги сабабли азият чекмокдими. Ўски кишидан вақтинча сим тортиди-ю, лекин чиқарилди хира ёнади. Тез-тез уйи турди. Сизга бу ҳақда маълум қилганмиз-ку. Негаталабимиз қондирмаётми, — деди у депутатга юзланиб.

— Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр бўлмаганлиги учун посёлакни электрлаштириш кейинга сурилмоқда. Бу ишни тезлаштириш чораларини қўйиш, — деди депутат.

— Бундай ваъдаларни кўп эшитганимиз. Электр тармоғи қачон бекам-қўш ишлайди? — гапга арастлиқ механизатор Назар Собиров.

Район электр тармоқлари корхонаси бошлиғи Раъно Абдуллаева посёлак қурилиш комплекс олиб берилмаганлиги, лойиҳани тайёрлашдаги сустликларни бу эътирозларга сабаб бўлганлигини таъкидлади ва янги посёлакни электрлаштириш масаласи яқин кунларда амалга оширилишини маълум қилди.

Колхоз аъзоси, қаҳрамон она Бекпошша Салоева депутатнинг эътиборини яна

бир муҳим масалага жалб қилди: савдо тармоқларида нега ўқувчилар формаси, иссиқ кийимлар етишмайди? Чоқинам бу бошқа чинни идишлар камбеллиги тўғрисида илгартиги учрашувда ҳам гапирилган эди, лекин ҳеч қандай ўзгариш сезилмаётди.

Депутат бу масалани район матбубот жамиятининг савдо бўлими бошлиғи Ш. Бобоқоновга сўз берди. У бошқарма формаси, спорт кийимлари ва бошқа адиб истрем-девом этаверадими? Аҳолининг эътиҳинини тўла қондирш қачон ва қандай қилиб таъминланади?

Қаҳрамон онанинг бу саволи депутатни ҳам, савдо ташкилотни раҳбарларини ҳам ўйлантириб қўйди. Ўрта-лоқдаги Улуғбек номли ўрта мактабга қўшимча синфхоналари қурилиши юзасидан депутат Б. Абдоллиевга берилган нақзаларни бажарилиши бўлиб-таъминлиги кўрсатилди, бу масалага лойиҳа қарб бўлмаслиги алоҳида ўқурилади.

Хуллас, учрашув ўзаро талабчанлик, кескин тортишув ва принципиаллик вазиятида ўтди. Бундан чиқадиган хулоса аниқ. Сайловчилар ўзлари ишонч билдирган ва давлат ҳокимияти органларига сайлаб қўйилган кишилардан янақа ишлангани, ҳар бир нақза ва ҳисла илтимосини сўзла эмас, амалда қондирилишини қатъий талаб этишга тийиш. Улар шундай ҳуқуққа эгадирлар.

Демак, халқ депутатга ўз бурчини ва масъулиятини чуқур аналб ишончини муносиб тарзда оқлаши лозим.

Ф. ЗОХИДОВ.



• Муаммо ва ечим

КИМ ТЎСҚИНИК ҚИЛМОҚДА?

— Тўла хўжалик ҳисоби-га ўтиладими ёки йўқ? Ўзбекистон ССР Автономияли транспорт министрлиги қарашли Тошкентдаги 2-автомобилнинг ўтказилган партия йиғилишида масала ана шундай кўчалган қўйилди.

— Агар сизлар тайёр бўлсангиз, министрлик комбинатнинг тўла хўжалик ҳисобига ўтишга қарши эмас, — деб жавоб берди министрнинг биринчи ўринбосари, ҳозирда министр вазифасини ижро этувчи Б. К. Калитин.

Бундай қарама-қарши масалага нукта қўйиш мумкин эди. Бироқ... орадан икки ой ўтди ҳамки ҳеч қандай ўзгариш йўқ.

Комбинатнинг ўз-ўзини маблаг билан таъминлаш ҳақидаги масала партия йиғилишида эмас, балки ундан анча олдинроқ кўтарилган эди. Автомобилнинг коллективнинг хўжалик ҳисобига ўтиш тўғрисидаги илтимослари ва тақдирлари ёзилган қорозлар министрлик ва Бош бошқарманинг кабинетларида бир йил мобайнида адашиб юрди. Юқори ташкилотларда мазкур маълумотларга эътибор билан қарашта бўлган ҳолатда. Уларнинг қўриб ўқишини эртасига, индиёнга қолдиринди. Хул-

лас, жавоб беришга шўшлма муаммони ҳал қилишни орқага суравердилар.

Тўғри, бу оддий масала эмас. Уни шўшма-шўшарлик билан дарров ҳал этиб бўлмайди. Лекин уни ҳал этиш йўллари ноланг учун вақт етарлими? Ҳўй, индиёнга нима гап? Бу идораий деп-синиш нима билан изохласиш мумкин? Олга қараб, сизнинг маҳоратининг йўқлигини, ёки умуман истамаслигини?

Юқори ташкилотлар билан автомобилнинг ўртасидеги муносабатлар қандай бораётганлигини планлаштириш мисолида қўриб чиқайлик. Юқоридан қўйишга қараб, ички резервларни қидириб топишлар, деб буйруқ берилди. Корхона коллективи уларни қидириб топади. Оқибатда ана шу резервлар коллектив учун оғир юкка айланади. Бир амаллаб эришлган натижа ҳеч ўйлаб қўрилмасдан келаси йил планига асос қилиб олинади. Бошқача айтганда, автомобилни холи-жонига қўймай қидириб топишлар дейлаверди. Бундай планлаштириш ўз мўҳият эътиборига кўра, комбинатни оғир аҳволга солиб қўйиши турган гап. Лекин юқори ташкилотларда аса бу нарса жуда маълум келмади. Автомобилнинг олган фойдасининг ў-

тиз процентдан кўпрогини Бош бошқарма ҳисобига ўтказишга. Ана шу пулларнинг кўп қисми қолқо автобус паркларни келтиратган зарарининг ўрнини қоплашга сарфланади. Мабоодо, Бош бошқарма олаётган яхшигина фойдадан маҳрум бўлсанми? Бунга йўл қўйиб бўлмайди, дейишда қўриқилган Корхонанинг ўз-ўзини маблаг билан таъминлашга ўтишга қилинаётган идора-вий қайсарлик сабабларидан бири шундай эмасмикин? Чунки, хўжалик юртишнинг янги шартлари корхона оладиган фойдадан бири қисмининг юқори ташкилотга ўтишини кескин қамайтиради. Бундан аса Бош бошқармага фойда йўқ.

Социал адолат соҳасида ҳам ҳамма нарса қўйилганлик, деб бўлмайди. Тошкентлик хайдовчиларнинг меҳнат унвондорлиги Ленинград, Киев, Минскдаги ҳамкасбларидан анча юқори бўлса-да, бироқ улар оладиган ўртача маош 15—20 процент камдир. Бунга республика Автономияли транспорт министрлиги ва Бош бошқарманинг олинган бир сўм даромаддан ўтказиладиган маблаг нормативини нотўғри белгилаганлиги сабабдир.

Бош бошқарма ўтган йил августда фойдалар ҳосил қи-

лишининг янги нормативларини ишлаб чиқди. Бу янгилик автомобилнинг 25 февралда Тошкентда сўнланган мажлиси қасаликлари ва кишлоқ хўжалик зарарку-наларида қарши бардош-ли янги тезлашар ва серкосил қўза навларини яратиш проблемаларига бағишланди.

Шу боис автомобилнинг коллективни янгилаш шароитларида ишланган, ўз маблагларидан ўз мустақил фойдаланишини истаётди.

Аммо вақт кетмоқда. Лекин комбинатнинг тўла хўжалик ҳисобига ўтиш ҳақидаги масала илгартидан бири жойда депсиниб турибди.

М. ГАРБУЗЕНКО, ЎзТАГ мухбири.

Суратда: олдинда гараж бошлиғи Б. Понжиде, [чапдан ўнгга] автомобилнинг сабаб союқ комитетининг инструктори А. Просвирков, техника хизмати кўрсатиш мастери Ф. Тўхтаев ва авторемонт участкаларининг бошлиғи М. Черниковнинг бошлари қотган. Бош бошқарма хўжалик ҳисобига ўтишга қачон руҳсат берадими?

Ф. Курбановнинг фотоси [ЎзТАГ].

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

СССР билан АҚШнинг ўртасида камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисида 1987 йилнинг 8 декабрида имзоланган Шартномага мувофиқ, ГДР ва ЧССР территориясида жойлаштирилган ОТР-22 (СС-12) камроқ олислик совет ракеталарини тугатиш ҳам қўзда тутилади. Бу ракеталар Американинг ўртача олислик ракеталари ГАРБий Европанинг бири қанча мамлакатларида жойлаштирилганга жавоб чоралари сифатида ўриштирилган эди.

Совет Ҳукумати Варшава Шартномасида қатъий ҳақда давлатлар сийсий маслаҳат комитетининг 1987 йил майида Берлинда ўтказилган кенгашида эришилган ахдномага амал қилиб ҳолис ниятини намойиш этиши

мақсадида Совет Иттифоқининг ОТР-22 (СС-12) ракеталарини, уларнинг учирувчи қурилмаларини ҳамда тегишли ёрдамчи ускуналарини ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги Шартнома кучга кирмасдан олдинок ГДР ва ЧССР ҳукуматлари билан келишган ҳолда шу давлатларнинг территориясида олиб чиқиб кетиш ҳақида қарор қабул қилди. Ана шу ракеталар, уларнинг учирувчи қурилмалари ва тегишли ёрдамчи ускуналарини 1988 йилнинг феврал-март ойларида СССР территориясига, мазкур Шартнома муносабати билан илк матбуотларини аниқлаш тўғрисидаги ахдномада белгиланган жойларга олиб чиқиб кетилади.

ЎЗА ПУХТА АСРАЛСИН

Ўзанинг вилт қасали-гига қарши кураш олиб бориш билан шугулланувчи Бутуниттифок мувофиқлаштириш кенгашининг 25 февралда Тошкентда сўнланган мажлиси қасаликлари ва кишлоқ хўжалик зарарку-наларида қарши бардош-ли янги тезлашар ва серкосил қўза навларини яратиш проблемаларига бағишланди.

Мажлис қатнашчилари — барча пахтакор республикалардан келган олимлар ва муҳтаҳасиллар ана шу жуда муҳим техника экинини парваришлаш ҳамда пухта асраш ягона комплекс программасини ишлаб чиқиш зарурати тўғрисида гапирдилар. Илмий муассасаларда қўзани химия қилиш системасини ишлаб чиқиш етарли интенсиб бўлмаётганлиги таъкидланди. Таъдиқот коллективлари қасаликларга қарши самарали биологик

кураш методларини, захри оз химиявий препаратларини ишлашда сустлашқил қилмоқдалар. Алмашлар экин-да жорий этилганда турли экинларнинг ўзганини вақт-вақтида қилиш даражасини пай-саттиришга, чўқур таъсирни ўрганишга, маҳсул, конкрет тўроқ-қилимни, зоналарда бу қасаликнинг қўзғатувчи-лар экологияси дуруст тадқиқ этилмаган.

Кенгаш бундан кейинги ишларнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Ўшнинг даври 125-130 кундан ошмайди, серхосил ва вилтга чидамли қўза навларини яратишга алоҳида эътибор берилди. Янги навларни интенсиб технология, механизмлар воситасида парваришлаш ва ҳосил-лини териб олишга боп қилиб яратиш энг муҳим изланиш шартлари қилиб қўйилди.

(ЎзТАГ).

ТОҒЛИ ҚОРАБОҒДАГИ ВОҚЕАЛАР ТЕВАРАГИДА

БОКУ, 24 февраль. Бугун Бокуда республика партия активларини йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Тоғли Қорабоғ автоном областида вужудга келган вазиятни соғломлаштиришга доир кечкиртириб бўлмайдиган чора-тадбирлар муҳокама этилди.

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. М. Багировнинг доклады ва мазкурларда қайд этиб ўтилганлик, кейинги кунларда Озарбайжон ССРнинг Тоғли Қорабоғ автоном областида арман аҳолисининг бири қисми Тоғли Қорабоғи Арманистон ССР составига кириш тўғрисидаги талаблар билан чиқди. Масъулиятсиз, экстремист кайфиятдаги ун-сурлар жамоат тартибини етайлаб буздилар.

Йиғилиш қатнашчилари мавжуд миллий территориял тузилишини қайта қўриб чиқишга қаратилган хатти-ҳаракатлар ва талаблар Озарбайжон билан Арманистон ССР меҳнатқарорлигини маънавиятга хилоф бўлиб, миллий муносабатларга зид эканлиги, деган йқид фикрни билдирдилар.

Тоғли Қорабоғ автоном областидаги вазият автоном областининг қутиб туридан иборат сустлашқил позицияси сабабли вужудга келган-лигини сўзга чиққан киши-лар қайд этиб ўтишди. Маҳаллий партия ва совет органларининг раҳбарлари вужудга келган аҳволга баҳо беришга, кенг тарқалган нохуш кайфиятларга юзани ендашдилар. Бу масалада республика органлари ҳам ўз мақсада соғ иш қўрмадилар.

Қабул қилинган қарорда бутун сийсий ва идеологик таъсир кучини ленинча миллий сийсатини, унинг ҳо-зириг босқичдаги моҳиятини тушуниришга қаратиш ўтириб ўтилди. Барча ишларда миллий масала миллий хусу-сиятларга, психологияга доимо зўр эътибор берили-шини, меҳнатқарорлиги ҳаётини манфаатлари эъти-борга олиншини талаб эта-жарига асосланмоқ зарур.

СТЕПАНАКЕРТ, 24 февраль (ТАСС). Область партия активларининг йиғилиши КПСС Марказий Комитетининг Тоғли Қорабоғ автоном областида вужудга келган вазият жиддий, деб берган баҳосига тўла-тўғис ва батамом қўшилди.

Йиғилиш шунини таъкид-лайдики, Тоғли Қорабоғ автоном областининг мавжуд миллий-территориал тузили-шини қайта қўриб чиқишга қаратилган ҳамда Озарбай-жон ССР билан Арманистон ССР меҳнатқарорлигини манфаатларига зид бўлган хатти-ҳаракатлар ва талаб-лар миллийликни муноса-батларга зид эканлиги. Ҳу-қуқ дорулар қўрилмаси, у олдиндан айтиб бўлмайдиган ёки хатто ўнлаш қилин бўл-ган оқибатларга олиб кели-ши мумкин. Ана шунлар ҳамма масъулиятсиз шахсларнинг даъватлари, шунингдек автоном область партия ва совет органлари-нинг суст позицияси нати-жасида вужудга келди. Партия активларининг йи-

ғилиши область партия комитети, Степанакерт шаҳар партия комитети, район партия комитетлари, бошлан-ғич партия ташкилотлари сийсий ва идеологик таъсир ўтказишининг барча воситала-рини ленинча миллий сий-сатини, унинг ҳо-зириг бос-қичдаги моҳиятини тушуни-ришга қаратишларини прин-ципал муҳим деб ҳисоб-лайди.

Барча ишларда шунга амал қилиш керакки, миллий масала миллий хусу-сиятларга, психологияга мут-тасил зўр эътибор берили-шини, меҳнатқарорлигини ҳаётини манфаатлари эъти-борга олиншини тақозо эта-ди.

Вазифа область партия ташкилотлари, идеология му-ассасаларининг активлари КПСС Марказий Комитети-нинг қарорини келиб чиқа-диган масалалар юзасидан омма ўртасида, меҳнат кол-лективларида кенг қўламда-ги ишни авж олдириб юбо-ришларидан, мазкур ҳуж-жатнинг йўл-йўриқларини ҳар бир меҳнатқарорли ақли ва қалбига етказишларидан, вазиятнинг тезроқ нормал-лашувига эришишларидан иборатдир.

СТЕПАНАКЕРТ, 24 февраль, (ТАСС). Бу ерда Тоғли Қорабоғ область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум ташкилий маса-лани қўриб чиқди.

Пленум ишда йўл қўйган камчиликларни учун Б. С. Кеорковнинг область партия комитетининг биринчи сек-ретари ва биро аъзоси ва-зифасидан озод қилди. Об-ласт иқроия комитети рас-сининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келган Г. А. Погосян Тоғли Қорабоғ об-ласт партия комитетининг биринчи секретари этиб сай-ланди.

ЕРЕВАН, 24 февраль. (ТАСС). Бу ерда бўлиб ўт-ган республика партия ак-тивлари йиғилиши Тоғли Қорабоғдаги воқеалар муно-сабати билан Еревандаги вазиятни нормаллаштириш ва КПСС Марказий Комите-тининг шу масала хусусида-ги қарорини бажариш юза-сидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни қўриб чиқди.

Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг би-ринчи секретари К. С. Де-мирчян ахборот берди.

Активлар йиғилиши КПСС Марказий Комитетининг қар-орини вужудга келган ша-роитда бирдан-бир тўғри қа-ро сийсатга, мазкур ҳа-қуқ дорулар қабул қилиб, Республика партия активла-рининг партия ва халқ олди-даги масъулият таъкидлаб ўтилди. Йиғилиш шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари қатъий чора-лар қўришлари, вужудга келган вазиятни нормаллаш-тириш борасидеги ишларга бошчилик қилишлари, КПСС Марказий Комитети қарори-дан келиб чиқадиган вазия-дан омма ўртасида, меҳнат коллективларида кенг қў-ламдаги ишларни авж олди-риб юборишлари керак, деб ҳисоблайди.

• Муҳбиримиз бонг уради

Шаҳрисабзда канализация қачон битади?

Шаҳрисабз — республика минизинг кўна ва навқирон шаҳарларидан бири. Минг-лаб совет ва чет эл сайёҳла-ри тарихий шаҳарини томо-ша қилишди. Ҳозир қарийб 60 минг киши яшаётган ша-ҳар аҳолиси тобора кўпай-моқда.

Афсуски, бу ерда уй-жой қурилиши аҳолининг ўсиш даражасидан анча орқада. Ҳолбуки, шаҳар иқроия ко-митетига уй-жой учун ари-за бераётганлар кундан-кун кўпайиб бормоқда. Ижро-комда 1800 киши навбатда турибди. Уларнинг кўпчили-ги серфараздан оиладордир. Тўғри, шаҳарнинг 2000 йил-гача мулккаланган уй-жой қу-рилиши комплекси про-граммасида уй-жой қурилиш суръатини йилдан-йилга ошириш, хатто бири неча ба-роробар кўпайтириш қўзда тутилган. Жумладан, кор-хона ва идоралар ердаида социал объектлар қурили-шини авж олдириш, бунинг учун райондан 340 гектар ер ажратиб олиш планлаш-тирилган. Лекин ҳалятча би-рор гектар ер ҳам ажра-тилмаган.

Уй-жой қурилиши ниҳоят-да сустлиги оқибатида, нав-батда турганларнинг талаби-ни қондириш имкони бўл-майпти. Шаҳар раҳбарлари уй-жой қурилишининг бу қад-дар ўз ҳолига ташлаб қў-йилганлигини, ер майдони, қурилиш материаллари етиш-маслиги ва уй-жой массивла-шда умуман канализация тармоқлари йўқлиги билан изохлашди. Бу сабабда жон бор Ростадан ҳам кана-лизация йўқлигидан кўп қа-ватли уй ҳам қуриб бўлма-

япти. Шунинг учун бу соҳа-даги планлар ўлда-жўлда қолмоқда.

Шаҳарда 1986 йили ма-ҳаллий бюджет ҳисобидан 5463 квадрат метр уй-жой қурилган эди, 1987 йилда эса маҳаллий бюджет ҳи-собидан бирор квадрат метр ҳам уй қурилмади. Коопера-тив ва яқна тартибдаги уй-лар қуриш почор аҳволда.

Канализация ва тозалаш иншооти қурилиши жуда кўп йиллардан бери чўзилиб келаяпти. Ҳадемай, қурилиш-нинг «ун йиллик юблейи» бошланадиган, Ҳар йилнинг ишонда қурилиш шидат би-лан бошланади-ю, кейинча-лик сўниб кетади. Туя гўш-ти еган канализациянинг умумий смета қиймати 3 миллион 389 минг сўм. Шундан 2 миллион 946 минг сўми қурилиш монтаж иш-ларига сарфлангани мулкка-ланган. Бироқ ҳар йили оз миқдорда маблаг ажратил-ганлигидан қурилишда ду-рустқор бурилиш бўлмап-ти. Масалан, 150-200 минг сўм маблаг билан нима ҳам қилиш мумкин.

Мазкур объектлар қури-лишдаги айблар кўпичаа бюрмачи — «Водоканал» ишлаб чиқариш бирлашма-си ва пудратчи — 13-қури-лиш трестининг 111-меха-низациялашган кўма колон-насига ағдариллаверади. Бу хулоса ҳақиқатга зидроқ. Аслини олганда, бюрмачи, объектни тезроқ ишга туши-ришдан манфаатдор. Пуд-ратчилар қанча маблаг бўл-са «жон-жон» деб ўзлашти-риш қувватига эгалар. Аммо етарли миқдорда маблаг бўл-маса, шунингдек, кераклик жиҳозлар ўз вақтида етқа-

зиб берилмаса, улар нима ҳам қилишсин. Республика Уй-жой ва коммунал хўжа-лиги министрлиги эса ягона қарорга келиб, канализация ва тозалаш иншооти қури-лишини тезлаштириш чорасини кўрмади. Устига-устак лойи-ҳалар қайта-қайта қўриб чи-қилаверди. Вақт ўтиши билан эскирган жиҳозлар ва конструкциялар ҳам ўзгара-верди. Ишда ижобий ўзга-риш бўлмади.

Бундан фақат аҳоли из-тироз чекмоқда. Эски шаҳар-ни қўя туриш, 15 минг аҳо-ли яшайдиган биринчи ми-крорайондаги тўрт қаватли уйларда санузеллар ишла-майди. Сув юқорига қўлда ташиб чиқарилаётган. Аҳоли тиқилиш яшайдиган маҳал-ларда ҳам худди шундай нохуш манзара. Одамлар чиқидиги, суюқликларни тў-қилган жой тополмай сар-сон-саргардон.

Шаҳарда Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети-нинг консерва, арақ, вино, ё-ғиллоқ, пахта тозалаш заводалари, гўшт комбинати каби бир қанча корхонала-ри бор. Ҳўй, бу корхоналар чиқидиги сувларни қаерга тў-кишяпти? Очиги, улар учун ҳам чиқидиги сув тўқидиган махсус жой йўқ. Ахлат сув-лар шаҳарнинг тўғри келган жойига, қўпича Оқсув дар-ёсига оқизилляпти.

Бунинг турган-битгани зарар, табиятни, сувни сунъий равишда ифросла-тиришидир. Биринчи—мин-га, мингичи—туманга де-ганларидек атроф-муҳит му-сафосидаги путур етмоқ-да. Энг ёмони —бу аҳоли ўртасида юқумли касалли-ларнинг кўпайишига олиб

Совет халқи, социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлар оммаси, бутун халқроқ ишчилар синфи Карл Маркс ва Фридрих Энгельс томонидан ёзилган «Коммунистик партия манифести»нинг 140 йиллигини кенг нишонламоқдалар.

Бу асар «Коммунистлар союзи» II съездининг тошрига мувофиқ ёзилди, 1848 йил февраль ойининг иккинчи ярмида Лондонда немис тилида нашр этилди. У ўша йилиги француз, поляк ва дания тилларида босилиб чиқди. Асар 1850 йилда инглиз тилида, 1869 йилда эса биринчи марта рус тилида chop этилди. Шу тариқа Карл Маркс, Энгельснинг барҳаёт чотларидек «Манифест» дунё халқларининг 14 тилига таржима қилинди.

«Коммунистик партия манифести» — илмий коммунизмнинг биринчи программ хужжатидир. Унда ва К. Маркс билан Ф. Энгельснинг бошқа асарларида марксизмнинг тарихан шаклланиш жараёни яқунланди, илмий коммунизм таълимотининг асосий қондалари ишлаб чиқилди. Коммунистик партиянинг стратегия ва тактикаси, унинг дунёқараш назарий жиҳатдан асослаб берилди.

Илмий коммунизм асосчилари Карл Маркс ва Фридрих Энгельс, — дейилади КПСС Программасида, синфий курашнинг тарихий таърибасига, инсоният илгор тафаккурининг ютуқларига таълиб, илмий ривожланишнинг объектив қонуниларини кашф этишлар, капитализм имирлигини муқаррарлигини назарий жиҳатдан исботлашлар, янги коммунистик жамият ижодкор бўлиш пролетариатнинг оламшумул тарихий вазифасини асослаб бердилар.

Инсониятнинг энг порлоқ келажяги — социализм коммунизм тўғрисидаги фикр ва озулар кўп вақтлардан бери илгор кишларнинг фикри-зиқрини баён қилиб келарди. XIX асрдаёқ утопик социализмнинг капитализм тўғрисидаги таъкид қилиб, уни янги тўғуз билан алмаштиришни озу қилдилар, социализм ҳақида хаёл сурдилар. Бироқ, улар капитализм жамиятидаги ёлланма кулликнинг моҳиятини тушунадилар ва янги жамиятни барпо қилувчи илмий кучни кўра олмадилар.

К. Маркс билан Ф. Энгельс утопик социализмнинг таъкид-иқодий тарзда ўрганиб, уни пролетариат синфий курашнинг таъкид баалари асосида қайта ишлаб чиқдилар. Улар социализм утопистлари ўйлаб чиқарган уйдирма эмас, балки капитализм жамияти таракқийи ва пролетариат синфий курашнинг қонуний натижаси деб кўрсатдилар, илмий коммунизм назариясини ишлаб чиқдилар.

«Манифест» 4 бобдан иборат. Унинг «Буржуа ва пролетарлар» деган биринчи бобида капиталистик жамиятнинг келиб чиқиши ва ривожланиши, бу жамият билан бирга мақсад ва мабуфатлари бир-бирига тубдан қарама-қарши бўлган икки синфнинг — буржуазия ва пролетариат синфининг пайдо бўлиши ҳамда улар ўртасидаги муроасаз синфий курашнинг моҳияти очиб берилди.

«Манифест»нинг биринчи бобида дастлаб, капиталистик ишлаб чиқариш усули ва унинг икки томони — ишлаб чиқариш кучлари билан ишлаб чиқариш муроасабат-

Улуг доҳийларимиз ишчилар синфи энг революцион, энг илгор, энгил синфидир, фақат ана шу синфига капиталистик кулликдан ва жабр-зудмдан қорози бўлган барча кучларини ўз атрофида тўплаб, уларни капитализмнинг штурм қилишга бошлаб бора олади, деб таълим бердилар.

«Коммунистик партия манифести»нинг «Пролетарлар ва коммунистлар» деган иккинчи бобида асосан пролетар ҳаракатининг ҳозирги ва келажядаги вазифалари тўғрисида ва бу вазифаларни амалга оширишда Коммунистик партиянинг тарихий роли тўғрисида гап борди.

К. Маркс билан Ф. Энгельс «Манифест»да пролетариат синфий кураш стратегияси ва тактикасининг энг муҳим принципларини белгилар бердилар, пролетар партияси ҳақидаги таълимотини ишлаб

фазасининг ўзига хос хусу-тасвири ва фарқларини ҳам тасвириб бердилар. Илмий коммунизм асосчилари материалистик диалектиканинг туб қондаларига таълиб, бу икки фаза ўртасида «хитой девори» йўқ, коммунизм социализмнинг диалектик асосида ривожланиши унинг беосоти давомидир, социализмнинг тобора ривожланиб коммунизмга ўсиб ўтиши — объектив қонуниятлар, деган ҳаққоний ҳулосага келдилар.

«Манифест»нинг «Социалистик ва коммунистик адабиёт» деган учинчи боби социализм байроғи билан иш қилган, ҳақиқатда эса ишчилар ҳаракатининг ўсишига тўсиқ бўлиб турган ҳар хил буржуа ва майда буржуа оқимларининг танқиди бағишланган. Бу танқиднинг намуна кучи капитализм билан социализм ўртасидаги сиёсий-идеологик

«Бутун дунё пролетарлари, бирлашми!»

К. Маркс билан Ф. Энгельснинг улугворлиги шундаки, улар илмий коммунизм назариясини яратиб, назарияга иқодий муносабатда бўлиш, уни революцион практика билан узвий боғлаб ривожлантириш зарурлигини ҳам алоҳида ўқитдилар. Зотан, марксизм қандайдир жонсиз схема-догма эмас, балки ўз таракқийи-етиди янги-янги билимлар ва таъриблар билан узлуксиз бойиб, ривожланиб борувчи энг иқодий революцион назариядир. Бу назария В. И. Ленин асарларида янада иқодий тарофда ривожлантирилди. У КПСС ва қардош коммунистик ҳамда ишчилар партияларининг назарий фаолияти билан узлуксиз бойтилмоқда.

Совет жамиятининг революцион тарзда тубдан қайта қуриш, унинг социал-иқтисодий таракқийини жадаллаштириши, ошқоралик ва демократияни янада кенг қўлабди амалга ошириш жараёнида марксизм-ленинизм назарияни тарин ҳам иқодий ривожлантириш КПСС тоғли фаолиятининг асоси бўлиб қолди. «Назарий фақат истиқболдаги социал ва сиёсий йўналиш учунгина зарур бўлиб қолмай, у бизнинг олға томон қўядиган деярли ҳар бир қадамимиз учун ҳам зарурдир, — деди ўртоқ М. С. Горбачев иқтисодий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгашида сўзлаган нутқида. — Қандай бўлмасин, бирорта ҳам йирик амалий масала идрок этилмас ва назарий жиҳатдан асосланмас, уни ҳал этиб бўлмайди. Назарий фаолиятнинг ўзи социалистик ва коммунистик қурилишнинг энг муҳим ҳаракатланувчи кучларидан бири, қайта қуришнинг гоят муҳим воситаси бўлиб қолди».

«Коммунистик партия манифести» биринчи марта нашр қилингандан буён 140 йил ўтди. Бу тарихий дар инчада жамият қиёфаси коммунизм фойдасига кескин ўзгарди. Бундан 140 йил муқаддам К. Маркс билан Ф. Энгельс тўзган «Коммунистлар союзи»да 400 га яқин аъзо бор эди. Эндиликда эса халқроқ миқёсда коммунистик партияларнинг бўрси, нуфузи бениҳоят ўсди. Ҳозир уларнинг сафларига 80 миллион аъзо бўлиб, улар жаҳондаги 95 мамлакатда фаол ҳаракат қилмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси жаҳон озолиқ ҳаракатининг, «Коммунистик партия манифести» қоллари ҳаётлигининг ёрқин тантанасидир.

«Манифест»нинг «Коммунистларнинг ҳар хил оппозицион партияларга муносабати» дейилган сўнги, тўртинчи бобида Маркс ва Энгельс турли мамлакатлардаги Коммунистик партияларнинг бошқа оппозицион партияларга бўлган муносабати баён қилдилар. Бунда коммунистларнинг бўлажак революцияда ҳар бир мамлакатнинг хусусиятларини ҳисобга олиб туриб, муайян тактика қўллашлари зарурлиги таъкидлаб ўтилган.

Маркс ва Энгельс «Коммунистик партия манифести»да социалистик революция ширини баралла илгари сурдилар ва асарни қўйидаги жанговар қаҳриқ билан яқунладилар: «Хуқирон синфлар коммунистик революцияда кўрқиб титрасинлар. Пролетарлар бу революцияда ўз кишларининг бошқа ҳеч нарсасини йўқотмайдилар. Аксинча улар бутун дунёга эз бўладилар».

Х. ИСАМУҲАМЕДОВ, фалсафа фанлари кандидати, доцент.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

Жадаллаштириш программаси билан

«Ўзбексельмаш» бирлашмасининг коллективни энгил техникаси ахтиёт қисмларини графикадан ўзиб буюртмаларга етказиб бермоқда. Январ ойининг ўзидagina пландан ташқари беш минг сўмлик маҳсулот деҳқонларга юборилди.

Ҳозир 3-темирчилик-пресс цехи ва 4-механика цехининг коллективлари юқори сифатта ва рекорд иш уну-мига эришмоқдалар. Машинасозлар бутлутғир шикоятни пасайтирмайдилар. Бутлутғир қишлоқ меҳнаткашлари топириқидан 200 минг сўмликдан ортиқ 94 номда ахтиёт қисмлар ортиб жўна-тилганди.

Февраль ойида «Ўзбексельмаш» коллективни планга қўшимча 10 минг сўмлик де-тал тайёрлаб чиқармоқчи.

(ЎзТАГ).

Қишлоқ меҳнаткашлари учун

Яқинда Чуст шаҳрида ан-тика магазин очилди. «Ўй, бог, томорқа» деб аталган савдо маркази қишлоқ меҳ-наткашлари учун мўлжал-ланган. Бу магазин Чуст райони матлутоб жамияти системасидаги юзичи сав-до маскани ҳисобланади.

Магазинда уй-жой қури-лиш учун зарур бўлган хил-ма-хил қурилиш материал-лари ва томорқа хўжалиги учун ишлатиладиган қўлаб-кўп асбоб-ускуналар бор. Бундан ташқари қишлоқ меҳнаткашлари хонадонлари учун керакли бошқа қури-лиш жиҳозларини ҳам харид қилиш мумкин.

Ян шуниси диққатга са-зоворки, хусусий дуратор-лик цехи олмоқчи бўлган ки-шлар зарур бўлган ҳамма анжонларини буюртма тарзи-да оладилар.

Янги магазиннинг яна менга маъқул томони шу бўлидики, — дейди харидор Маҳмуд Саъдуллоев, — бог ва томорқалар учун таёёр йиғма ўйлар, теплица жи-ҳозларини сотиб олиш му-мкин экан.

Суратда: магазин соту-вчи Мухтор Жўраев харидорларга қурилиш жиҳозла-рини кўрсатяпти.

А. Ковтун фотоси (ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми СССР Енгил ва озиқ-овқат саноти машина-

созили ва рўзгор асбобла-ри министрлигини 1988 йил 1 мартдан тугатди.

КПСС Марказий Комитети Пленуми материаллари

КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил 17—18 февралда бўлиб ўтган Пленуми материаллари алоҳи-

да китобча қилиб чиқари-ли. Китобчани Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди. (ТАСС).

• Мавзуга қайтиб

Қанотлар

«Мени область маданият башқармасининг бошлиғи Аминов ўз ҳузурига қаҳри-риб: «Қўлимизда обурйин-гизни тўқадиган материал-лар бор. Ё оиз мухбир мен билан гаплашмагани, деб азасиз ёки сирингизни очинишга мажбур бўламиз. Ўйлаб кўринг!» деди. Мен ўйлаб кўриб, шу хатни ре-дакцияга ёздим. Самарқанд шаҳар Темирўй район иж-роия комитети маданият бў-лимининг мудир В. Сисоев».

ЎзТАГ мухбирининг бут-тур июль — август ойларида область ва республика мат-бутида эълон қилинган ма-колласида Самарқанд область башқармасида қадрлар жу-да галати принциплар асосида танлаётганлиги тўғрисида борганини эслатамиз.

Масалан, район маданият бўлимининг мудирлигига қўрсатилган шаҳардаги энг яхши маданият уйларида- бирининг собиқ директори В. Сисоевдан бошлиқлар норизо. Шаҳар маданият бўлимининг гайратли ва та-шаббускор мудир М. Ис-моилова ҳам бошлиқларга ёқмайди.

Аммо қамоқ муддатини ўтаб келган жиноятчи шу об-ласта маданият башқармаси-да ревизия хизматига бошчи-лик қилмоқда. Партияга қа-бул қилишдаги қаллобликлар-ни фойш бўлган район партия комитетининг собиқ секрета-ри башқарма бошлигининг ўринбосари бўлиб қолган.

Парк директори қаллоблиги учун суд қилинган. «Мо-лодая гвардия» паркига бо-чилик қилиш, тўғрисида айтсан, уни барбод этиш собиқ ошпазга ишониб то-пирилган ва ҳоказо.

Мақола маданий фронт маҳаллий жағдайларини га-забга соли. Радикаллар дў-лек ёғилди. Дарҳақиқат, ма-қолада майда ноаниқликлар ҳам бор эди-да. Область ма-даният башқармасининг янги бошлиғи ўртоқ Аминов бу-нда айнаси жонбозлик қил-ди. Жумладан, у В. Сисоев-дан журналист устидан со-хта қаҳимчилик хати ёзиш-ни талаб қилди. Сисоев эшидан бош тортиди шун-дан кейин у ишдан олинди, хўрликлари уни бетоб қилиб қўйди, у ҳозир касалхонада ётибди.

Ўртоқ Аминовга келганда, у редакцияга йўллаган ма-қубида ўзига ёқмаган хо-димида хатто шахсий ҳаёти тафсилотларини ҳам баён этишдан уялмаган. Ана си-зага қаҳқий маданият хо-димо, тарбияли эркак киши!

Эндиликда у ваъда қил-ганидек, мухбирга тухмат қилишга қўнмаган, устидан ёлгон гаплар тўғиб ёнша-розилек бермаган Сисоев-дан «бошлаб» ўч олди. Рай-он ободонлаштириш бўлими-нинг собиқ бошлиғи агроном ўртоқ Давилов Самарқанд Темирўй районида мада-ният ишларини башқариш-га тайинланди.

Ю. КРУЖИЛИН, ЎзТАГ мухбири.

• Озиқ-овқат программасини бажариш — умумхалқ иши

МУВАФФАҚИЯТНИНГ ЎЗИ КЕЛМАЙДИ

Совхозимиз чўпонлари ке-йинги йилларда қоракўли-лини ривожлантириш бора-сида бирмунча ишларни амалга оширдилар. Ўтган йилининг ўзида ҳар 100 бош совлиқдан 101 тадан қўзи олинди. Уларнинг 7 мингта-си ўстиришга қолдирилди. Гуштва топириладиган қў-ларнинг тирик вазни план-даги 40 килограмм ўрнига 42 килограммдан оширдилар.

Ҳар бир қўзнинг соғлом ўсиши, тез семирлигини таъ-минлашга ҳаракат қилимиз. Уларни рацион асосида озиқ-лантириш, сугорил, қўра-ларни тозалаш каби ишлар юзасидан назорат қўйати-рилди.

Лекин совхозимизда ориқ қўйлар ҳам йўқ эмас. 2 мингдан кўпроқ шундай қўй алоҳида иссиқ қўраларда парвариш қилинмоқда. Улар учун қўшимча ишчи кучи ва техника ажратилган. Ориқ қўйлар кунига 300 грамм арашш озунка, 2 кило-грамм витамин уни билан боқилмоқда. Айнаси, мик-роэлементларнинг емга қў-шиб берилиши яхши самара бериляпти.

Совхозимиздаги қўйлар туртта фермада боқилмоқ-да. Ем-хашакларни вақтида етказиб бериш учун ҳар бир фермада 3 тадан трактор тележаси, биттадан авто-машина мавжуд. Хашак май-далайдиган 6 та ДКУ — 2 агрегати бор. Озуқа цехида-ги иш икки сменада ташкил этилган.

Оилавий пурат усулида ишлаётган Дуделбой Бико-раев, Жўпар Холбоева, Уте-син Қобулов, Қўснийбой Бисенов, Қолмолий Есеев каби бош чўпонлар чорва кишлоқини чўқимсиз ўтка-зиш учун фидокорона меҳ-нат қилмоқдалар. Ўтган йи-ли улар ҳар 100 совлиқдан 104—106 тадан қўзи олиб, яхши кўрсаткичларга эриш-дилар. Бу йил эса уларнинг ҳар бири яна 104—106 та-

дан қўзи олишни мўлжал-лаб турибди.

Чўпон бўлиб ишлаётган-мига 12 йилдан ошяпти. Ўтган йили ҳар 100 бош совлиқдан 102 тадан қўзи олдим. Бу йил эса оиламиз билан 502 бош совлиқнинг ҳар 100 бошидан 103 тадан қўзи олишни кўзлаямиз. Қўйларни боқишда ўғлим Омонгелди, қизларим Ўраз-гул, Люсиялар яқиндан ёр-дам беришмоқда. Ҳаракати-миз зое кетмаяпти. Ишни тўғри ташкил этиб, яхши ишлаётганимиз учун даро-мадимиз ҳам юқори бўлмоқ-да. Ўтган йили оиламиз би-лан оинга 400 сўмдан пул олдик. Йили муваффақият-ли яқунлаганимиз учун ой-лигимиздан ташқари қўшим-ча 2700 сўм иш ҳақи ола-миз.

Ўн иккинчи беш йиллик-нинг учинчи йилида совхо-зимиз чорвадорлари 17 минг қўзини ўстиришга қол-дирдилар. Бу бунинг учун камида 22 мингдан кўпроқ қўзи олишга эришмоғимиз керак. Совлиқларнинг бош сони 3 минг бошга қўлайти-рилади. Шу ҳисобдан сов-лиқлар ўтган йилдаги нисбатан 10,5 процентга қў-паяди. Яъни, уларнинг по-дадаги салмоғи 52,5 про-центга етказилди. 1989 йилга бориб, қўйлар 60 минг бошга, жумладан сов-лиқлар сони 38 мингга ет-казилди.

Лекин муваффақиятлар-нинг ўзи келмайди. Унинг учун курашиш, қатор му-ама ва қийинчиликларни ҳал этишга тўғри келади. Маълумки, янги туғил-ган қўйлар совуққа чи-дамайди. Айна пайтда я-лолларда иссиқ қўралар йўқ. Уларни ўзимиз қуриб олайлик, десак, қурилиш материаллари етишмайди. Ўтган йили ва ундан олдин-ги йилларда қўзлатилиш дав-рида иссиқ қўралар йўқли-

гидан янги туғилган қўйлар қўйлар мажбуран сўйиб юборилганди. Совхозимиз раҳбарлари бундан тўғри ҳулоса чиқариб олиб, биға ердан берсалар, айна му-дао бўларди.

Хўжалигимиз марказий кўрғонидида 300 хонадон-нинг 86 таси газлаштирил-ган. Қолган 204 хонадонни газлаштириш жула секин борапти. Бунинг устига ло-йиҳа-смета хўжатлари тай-ёр бўлишга қарамасдан 240 ўринли болалар бог-часи, яқинда ишга туширилган ҳаммом, совхознинг маъму-рий биноларига табиий газ ўтказиш каби ишлар ўлда-жулда. Аҳолига маиший хиз-мат кўрсатиш уйининг қуриб битказилганига икки йил бўлипти. Бу ерда на сарга-рош, на киёмин бичувчи, ти-кувчи, на оёқ киёмиларини ремонт қилиб берадиган ки-ши бор. Натигада майда-чуйда қўншалар учун ша-ҳарга қатнашга мажбур бўл-моқдамиз.

Ўрни келганда чўпонлар-ни оғизда қўларга кўтариб мақташди. Амалда шундай-ми? — Йўқ, ундай эмас. Чўпонларнинг меҳнат от-пускасиз тўғрисида бирон чизи ёки бирон ташкилот шугулланиб кўрдишимиз?! Бош чўпонларга 15 кун, ёр-дамчи чўпонларга ундан ҳам камроқ отпусқа бериша-ди. 15 кунлик меҳнат от-пускасиде қаерга бориб, қан-дай дам олиш мумкин? Қо-рақаллоғистон АССР Дав-лат агросаноат комитети ва Ўзбекистон КПСР Давлат аг-росаноат комитети раҳбар-лари ана шунлар ва чўпон-лар томонидан қўйилётган муаммоларни иқобий ҳал этишса, қўзланган режа-ларимизнинг амалга ошиши реаллашган бўларди.

Дарёбой БУРОНБОВ, Қўнғиртўғ районидаги «Ўст-юрт» қоракўлилик совхозининг бош чўпони.



Қарий чорак асрдан буён пахтачилик бригадасига бошчилик қиламан. Бундан бир йил муқаддам партия комитетининг тасвирасига би-ноан колхоздаги энг қолоқ бригадалардан бирини қабул қилиб олдим. Бригадада меҳнат интизоми бўшашиб кетган, ҳеч ким бажарган ишдан манфаатдорлигини ҳис қилмас эди.

Мен, аввало ишни одам-лар билан сўхбат ўтказиш-дан бошладим. Уларнинг фикрлари, тақлифларига таълиб иш кўрдим. Ўртада ўзаро ишонч, самимийлик муҳити қарор топти. Ахил-лик билан иш юриштириш меҳнат интизомини мустаҳ-камлаб, қатъий агротехника-га риоя этишимиз дастлабки йилдаёқ ўз самарасини кўр-сатди. Бир йил мобайнида ҳосилдорлигини йигирма центнердан ўттиз бир цент-нерга кўтардик. Пахтани ма-шина билан териш планини 104 процентга адо қилдик.

Шунингдек, Тохир Сохи-боев, Аълон Фозилов бош-чилик бригадалар ҳам пахта-чиликда юқори самарадор-ликка эришилди. Мазкур бригадаларнинг ҳар бири аъ-зоси йил икунига кўра ҳар бир сўм иш ҳақиға 1 сўм 30 тиғиндан қўшимча пул олди. Бундан бир неча кун муқаддам колхозимиз-да ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Ҳисобот докла-да таъкидланганидек, фақат ўтган йилнинг ўзида олдинган даромад 3 миллион 910 минг сўмни ташкил қилди. Шунинг 3 миллион 384 минг сўми пахтачилик ҳиссасига тўғри келади.

Кейинги ўн йилда илк бор колхозимиз аъзолари Когоннинг огир мелiorатив шароитида ҳам мўл ҳосил етиштириш мумкинлигини амалда исботлашди. Ахир 1800 гектар пахта майдони-нинг 600 гектари ўта шўрланган ерлардир. Қисқа муддат ичда шўрланган майдонларда скважиналар қурилди, ер ости дренажи тармоғи ўтказилди, икки хў-жалик сув йўлларининг бир қисмига лотоклар ўтказилди. Фақат ўтган йили мели-

ратив тадбирларга 800 минг сўм маблаг сарфланди. Бу йил яна 536 минг сўмлик иш бажариш кўзда тутилган. Буларнинг ҳаммаси давлат капитал маблағлари эвазига бажарилмақда.

Хўш, нега энди коллектив хўжаликда амалга оширила-диган мелiorатив тадбирлар учун давлат ҳаминдан пул олинар экан, деган савол туғилиши табиий. Лекин ҳамма гап шундаки, бундан 6—7 йил муқаддам область маркази билан чегарадош 200 гектарли ҳосилдор ерла-римиз умумий йиғилишининг розилиги билан Бухоро тў-қимачилик комбинатининг янги қурилатгани қувватла-ри учун олган эди. Кол-хоз йиғилиши комбинат пар-тос ерларининг мелiorатив ҳолатини яхшилаб, колхозга беради, деган шарт қўйган эди.

Аммо собиқ раҳбарларнинг масъулиятсизлиги оқибати-да бу ерларда мелiorатив тадбирлар номигагина ўтқа-зилиб, қишлоқ хўжалик обо-донига киритилди. Натика-да уларда 11—13 центнердан эиёб ҳосил олиб бўлмади. Колхозга янги раҳбарлар келгач, биз масалани қайта кўтариб чиқдик. Колхоз ум-вий йиғилиши бу ерларда мелiorатив тадбирларни комплекс тарзда ўтказишни тегишли ташкилотлардан та-лаб қилиш масаласини прав-ленис олдиға қўйди. Мана шунинг учун ҳам колхозда мелiorатив тадбирлар дав-лат ҳисобидан ўтказилди.

Айни маҳалда колхознинг Намунавий устави лойиҳа-сини муҳокама этар эканмиз,

хўжалик аъзолари, правле-ниенинг ҳатти-ҳаракатлари мазкур лойиҳадига талаблар-га тўла даражада мос экан-лигига ишонч ҳосил қилдик. Намунавий устав лойиҳа-сининг III бўлим 9-моддаси-да «Колхоз раиси, мутахас-сислар, ишлаб чиқариш бў-лимчалари — бўлимлар, бри-гадалар, участкалар шун-ингдек, пудрат коллектив-ларининг раҳбарлари ер му-ҳофаз қилиниши ва ундан юқори унум билан фойдала-нилиши учун шахсий жавоб-гардирлар» деб таъкидлан-ган. Колхозимизда эзо бер-ган нуқсонларнинг сабоқла-ридан келиб чиқиб, мен шундан кейин «Колхоз ери ҳосилдорлигини пасайти-ришга, уни захалият, оборо-дат чикишига айбдор шах-сларни колхозчиларнинг жа-вобгарлигида тортиш масала-да маълумий оғирлашган ол-дига қўйишга ҳақли» деган жумлани қиритишни тақлиф қиламан. Эеро, айрим ло-кайд, қўбўямачи раҳбар ва мутахассисларнинг масъу-лиятсизлиги эндиликда ўйлаб қоллозларга қимматга туш-моқда. Бундай ҳоллар тақ-рорланишига йўл қўйиб бўл-майди.

Тўра ЖўРАЕВ,

Когон районидида Кали-нин номли колхоз бригадаси бошлиғи.

